

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 161 (6. 650) 1988 йил 14 июль, пайшанба Ҳақоси 3 тийин

МАРКАЗИЙ ГАЗЕТАЛАР САҲИФАЛАРИДА
● Урток М. С. Горбачевнинг Краков дийрдаги урчушулари ҳақида расмий хабарлар берилган.
● «XIX партия конференцияси ошкоралик ҳақида» — «Известия» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.
● «Долзарб интервью» рубрикаси остида «Правда» газетасининг учинчи саҳифасида эълон қилинган «Концерни тақлиф этаман...» сарлаҳали мақолада Эстония ССР Енгил саноат министри газета муҳбирининг саволларига жавоб беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳоли ва уни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг баёни бугун маҳаллий тонгги газеталарда эълон қилинган.

Билим юртида байрам

В. И. Ленин номидagi Қизил Байроқ орденли, Қизил Юлдуз орденли Тошкент умумқўшилар командирлари олий билим юрти етмиш ёшга тулди. Граждандар уруши бораётган йилларда шахсан Владимир Ильичнинг фармойиши билан ташкил этилган билим юрти Совет Иттифоқи Қуролли Кучларининг офицерлар корпуси учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш ишга муносиб ҳисса қўшди ва қўшиб келмоқда. Билим юрти ўз битирувчилари билан ҳақли равишда фахрланади. Граждандар ва Улут Ватан урушлари фронтларида шухрат қозонган Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг, генерал ва офицерларнинг бутун бир гуруҳи шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда армияда хизмат қилаётганлар ҳам, курсантлар сафида ана шу маънафатли касб — Ватанин ҳимоя қилишни ўрганаётганлар ҳам фронтчилар давом эттирмақдалар. 12 июль куни В. И. Ленин номидagi билим юртида Уттан йиллар уни битириб чиққанлар, уруш ва меҳнат ветеранлари кўв юртининг етмиш йиллик юбилеини ёшлар билан биргаликда нишонлаш учун тўпландилар. Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари собиқ кўмондони, армия генерали Н. Г. Лященко, Ҳарбий кенгаш аъзоси — округ сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Овчинников, тўплаганларини қизғин табриқладилар. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Ф. Сатин билим юртининг курсантлари ва ветеранларини самимий қутлади. Билим юрти юбилейини нишонлашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев иштирок этди.

(ЎзТАГ).

«Интернационалист» ҳиммати

Бу қурилиш отряди ўтган йили ўз Фронтининг бошлаган эди. Чиндан ҳам Тошкент давлат университетига тўзилган мазкур «Интернационалист» студентлар қурилиш отряди Тюмень областидаги «Журавский» совхозда меҳнат семестрини ўтаб, катта бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Шу вақт ичда бир неча минг сўмлик маблағ ишлаб топилди. Шундан 1937 сўми ҳужалида қад кўтарган жангчи интернационалистлар ёдгорлигини тиклаш учун сарфланди. «Интернационалист» отряди яна қайта тўзилди. Бу сафар у 35 кишидан иборат зарбдор коллективни ташкил этди. Отряд жангчилари орасида ҳарбий хизматни Афғонистонда ўтаб қайтган пасадга жангчи-студентлар ҳам бор. Шикояткор ёшлар қайноқ меҳнат палласи кутмоқда. Улар Сибир ўлкасини ўзлаштириш ишлари билан банд бўладилар. Бунинг учун отряд «Ир-тишгеология» ва «Запсибгеострой» ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳужалини шартномасини тўзди. Ана шу келишувга мувофиқ «Интернационалист» отряди учинчи семестр давомида 80 минг сўмлик ҳажмида иш бажаради. Қайноқ меҳнат сафарига барча тайёргарликлар қўриб қўйилди.


А. АЛИЕВ.

Конференция резолюциялари-амалий иш программаси

ЗАМОНДОШИМИЗ

Манзиллар

Дейдиларки, одамзод билан унинг йўли, қисматно манзиллари ҳам бирга туғилар экан. Яъни, ҳар ким ўз йўли, мақсад-интилиши билан дунёга келаркан. Бу сўзларда ҳеч қандай лоф йўқ. Ва яна шу нарса аёнки, одамзод дунёга келибдики, демак ўз йўли, манзиллини тўғри аниқлаши, бу йўлда тойишлардан ҳайиқмаслиги керак. Тонр ака қирқ йилдан кўпроқ вақт давомида чарчаб, топиниб нимагадир билмай ҳайдовчилик қилиб келмоқда. Шаҳар санитария-эпидемиология станциясини автобазасининг шифофери Меҳнат ветерани. Ветеран дегани бу, демак кўп нарсани бошидан кечирган, қувончини ҳам, тапшиқини ҳам борича тортган одам. Бошидан кечиргандан кейин, демак, бу инсондан бир гап чиқини тайини, унинг маслаҳати ҳеч қачон хато бўлиб чиқмаслиги мўқаррар. Мангилдаги ажинлар ҳам аслида ажин эмас, кечирилган йўллар, тақдирларнинг лойиҳа чиқариларидир десак тўғрироқ бўлар. Бу ҳаётда қувонч ҳам, изтироб ҳам истаганча топилади, лекин қувончлардан қувониб, изтиробларини мардонавор ениб ўтиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келармайдми. Тонр ака сикниз фарзандни тарбиялаб воёга етказди. «Воёга етказди» дейиш осон. Бу жараён — умрлик меҳнат, хизмату қийноқлардан иборат. Бунларнинг натижаси, қувончи — фарзандлар эл қатори одам бўлипти, улардан бирови ота касбини танлади, тақдирини — машина чамбарачио йўллар измига тоширди. Киши туғилгандан бошлаб нуқул манзилларга интилади. Талпинида, Тонр ака кўп манзилларни ўткарди, кўп манзиллар ҳали олдда. Энди-да қатор дарахтлардай камолини кўраётган фарзандлари билан шу манзилларга ҳам етиб бориши тайини. Жамиятимиз ўз манзиллини соғинган кунларда ҳар бир одамнинг ҳам ўзига яраша манзилмақсади бўлса, бу янада яхши. Ажабмаски бу манзилларга умумий тарзда Эгулик деб ном қўйсак.



С. САИДОВ. Т. Каримов фотоси.

Энг муҳими-сифат

«Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида идорадан ташқаридаги назоратнинг қатъий қўлга қўйилганлиги яхши самаралар бермоқда. Ҳар бир цех ва ишлаб чиқариш участкасида йўл қўйилган нуқсон аниқлашиб, баргараф этиб борилаёттир. Шуниси характерлики экспирименталь цехнинг жонқуяр чеварлари тайёрлаётган махсулотларга деярли эътирозлар бўлмапти. Бу бежиз эмас албатта. Цех коллективи бир неча йилдирки ишни ташкил этишнинг илгор усулларидан кенг фойдаланиб келмоқда. Бригада пудратининг самараси чеварларга яхши натижаларни берапти. Ҳар бир операция пухта бажарилмоқда. Бу эса ягона меҳнат принципи қарор топган аҳил цехда сифат кўрсаткичининг доимо юқори бўлишини таъминлашга кенг йўл очмоқда. Корхонанинг бошқа цех ва ишлаб чиқариш участкаларида ҳам махсулот сифатини бугунги кун талабига кўтариш борасида жиддий ишлар амалга ошириляпти. Яқин йилларга ҳам давалат қабули вакиллари 3-тикувчилик цехи тайёрлаётган махсулотлар сифатини унчалар юқори кўрсатди. Бутуниттифок XIX партия конференциясидан кейин бу ердаги аҳвол тамоман иқобий томонга ўзгарди. Энди ишчилар бу муҳим кўрсаткичга ҳам алоҳида эътибор бериб ишлайдиган бўлиб қолдилар. Натижада сифатни яхшилаш сари дедил қадамлар қўйила бошланди.

А. РУСТАМОВ.

Меҳнат шижоати авжиди

XIX Бутуниттифок партия конференцияси қарорларини ҳаётга тадбиқ этишга бел болаган Тошкент тўқимачилик комбинати тўқимачилари айни кунларда меҳнат шижоатини авж олдириб ишламоқдалар. Айниқса, 1-тукува фабрикасининг пешкадам мастер эрдэмчиси — Р. Ялчин, Е. Бобоев, Т. Мусавалар ўн иккинчи беш йилликнинг тўрт йили план топширининг бажариб, графикдан ўзган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Бунинг эвазига улар кунлик ва ойлик план топшириқларини мунтазам 120 процентга адо этишмоқда. Шунингдек, ўн иккинчи беш йилликнинг 4,5 йиллиги топширинини адо этган мастер эрдэмчиси — Ж. Шамшидинов, М. Мусатов ва Н. Лутфиевлар ҳам айни дәмларда юқори меҳнат унумдорлиги ва юксак иш сифатига эришяёттир. Мазкур фабриканинг пешкадам тўқувчилари Соля Муфеева, Тамара Собитова, Бригада етқичси Галина Ивановна Частухина ҳам Бутуниттифок XIX партия анжумани ва қарорларини амалга оширишда алоҳида гайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Уларнинг кунлик иш кўрсаткичлари доимо юқори бўлаёттир. Бир сўз билан айтганда, фабрикада иш суръати ошиб, янги муваффақиятларга пухта замини яратилмоқда.

З. ДУСТМУҲАМЕДОВА.

Цехнинг янги маҳсулоти

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган алоҳида цех ишлаб турибди. Бу цехда, асосан, болалар аравачалари, картлар ва самokatлар тайёрланапти. Яқинда бу ерда яна бир муҳим янгиликка қўл урилди. Болалар аравачасининг янги тури ишлаб чиқарила бошланди. «Антошка» номили бу аравача ҳар томонлама қулай ва енгилдир. Эзининг жазирама кунларида ҳам, баҳору кузнинг ёмирида ҳам ундан бемалол фойдаланиш мумкин. Янги турдаги бу хил махсулотларни ишлаб чиқаришда 13-цехнинг Ш. Убайдуллаев мастерлик қилаётган

С. ТУРАҚУЛОВА, ТошДУ студенти.

Монгол китоблари ўн кунлиги

Тошкентдаги СССР Халқларни дўстлиги музейида Монголия халқ резолуциясининг 60 йиллигига бағишланган монгол китоблари ўн кунлиги очилди. Бу ерда Улан-Баторда ҳамда МХРнинг бошқа шаҳарларида нашр этилган ижтимоий-сиёсий, бадий ҳамда болаларга аталган адабиёт анигликларини, монгол муаллифларининг мамлакатинида эълон қилинган китоблари намойиш этилди. СССР ва МХР китоб нашриётларининг иккидун алоқалари кўп йилдан буён мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, бирдамлик ва ҳамжиқандлик юксак гоиларига хизмат қилиб келмоқда, деб таъкидланди ўн кунлик очилишида. Сўнгги йилларда монгол муаллифларининг асарлари СССР халқларининг 21 тилида нашр этилди. Дўст мамлакат сўз устларининг иккидун миллионбадий совет китобхоналарининг мулкига айланди. 21 июлгача давом этадиган монгол китоблари ўн кунлиги программасида китоблар кўргазмаси ташкил қилини, китобхоналар конференциялари, иккидун учрашувлар ўтказини кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).




Октябрь 30 йиллиги номили тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористаси Лутфин Эргашева фақат юқори сифатли махсулотлар тайёрлаб, истеъмолчиларни тўшунд этмоқда. У бунга кўп йиллик бой иш тажрибаларидан самарали фойдаланаётганлиги тўғрйли эришляпти. СУРАТДА: Лутфин Эргашева тикувчи Наима Исмоилова билан. Р. Шарипов фотоси.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

Янги маршрутлар очилди

Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармасига қарашли 2-маршрутлик такси корхонаси машина паркига Ригада ишлаб чиқарилган янги микроавтобуслардан ўтказини келтирилади. Бу машиналар яқинда ташкил этилган янги маршрутларда аҳолига хизмат кўрсата бошляди. М. Горький метро станциясидан — СамПИга, Қорасув массивига, Чилонзор станциясидан — Ивановолик тўқимачилар массивига қатнайдиган йўловчилар бундан мамнун бўлишляпти. 38 маршуд бўйлаб 220 та ана шундай микроавтобуслар йўлга чиқарилди. Илг охиригача яна тўртта янги маршрут очини кўзда тутилган.



Бутуниттифок XIX партия конференцияси резолюцияларини амалга ошириш учун гайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган «Ташхис-сөлмаш» заводи ишчилари дастлабки натижаларга эришмоқдалар. Улар иш суръатини ошириб, махсулот сифатини тобора яхшилашмоқда. Бу муваффақиятининг таъминлашишда ишлаб чиқариш илгорлари, меҳнат ветеранларининг роли катта бўляпти. Ана шундай фидойи меҳнатчилар орасида корхонада 22 йилдан буён ишлаб келаётган слесарь Фарид Гумиров ҳам бор. Суратда: Фарид Гумиров иш устида.

Трестда конструкторлик бюроси

«Узавропромстрой й» га қарашли «Узавропромтехмонтаж» трестининг бунёдкорлари юқори унум билан меҳнат қилмоқдалар. Улар ёрдами билан кўпгина қурилиш объектларида монтаж ишлари ҳам олиб борилиб, турли блок ва узелларини ўрнатиниша эришилмоқда. Иш вақтининг кескин қисқартиришга қаратилган технологик яраёнлар эса меҳнат шартинини янада яхшилаш имконини бераёттир. Бу ишларни бир маромда ташкил этиш мақсадида трест составида ихтисослаштирилган конструкторлик-технологик бюросининг тузилиши нур устига ало нур бўлди. Озгина штатдан иборат бу бюро ўзининг алоҳида махсулот базасига ҳам эга бўлди. Бу ерда амалга ошириладиган конструкторлик-технологик янгиликлар қурилиш объектларида мунтазам равишда жорий қилинади.

Ёш чеварлардан коллектив мамнун

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларида андиликда кўпала муносиб ўринбосарларни учратиш мумкин. Хунар-техника билим юртининг талабалари корхонада ишлаб чиқариш практикаларини ўтказиб, бўлажак касблари бўйича мустахкам амалий малака ҳосил қилмоқдалар. Бирлашма Маргилондан 29-ўрта хунар-техника билим юрти билан ҳам яқин алоқа боғлаган. Чеварларнинг муносабати ўринбосарларига таълим ва хунар бераётган бу даргоҳ маъмурияти Уттан Ибли корхонага мурожаат этиб, битирувчи ишларининг ишлаб чиқариш практикасини шу ерда ўтказиниш илтимос қилган эди. Бу тақлиф бажонидил қабул қилинди. Узаро келишувга биноан касб-хунар даргоҳидан 120 қарсақлар ва олқишлар, жузда кўп гулдасталар коллективга мукофот бўлди. Мароканш матбуоти Н. Павлова, В. Анисимов, Н. Семизорова, В. Никонов, В. Гордеев, В. Барикин маҳоратини алоҳида таъкидламоқда. Бундай «Улугвор ва жоизлиби спектакллари Работ ахли ҳали кўрмаган эди», — Мароканшининг танқиди маданият арбоби А. Фенниш ана шундай баҳо берди. Большой театр коллективи Касабланка, Мароканш, Агадир ва Мароканшининг бошқа шаҳарларида ҳам томошалар кўрсатади.

ДЕХЛИ, Покистон ҳарбий қисмлари афғон армиясига қарши жанговар операцияларда бевосита иштирок этишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Покистон халқ миллий партияси раиси вази фазисини икром этаётган Ҳожи Гулом Билоуирнинг айтишича, президент Зиёул Ҳақ Покистон қўшинларини афғон оппозицияси гуруҳлари деб қўрсатиб, уларнинг Афғонистонга бостириб киришини рекалациятормоқда. «Генерал Зиёул Ҳақ шу яқин орада Покистон қўшинларини Кобулага юриш бошлаш олдидан Жалолобод ва Кандаҳорга ҳужум қилиш учун жўнатса керак», — деб ёзади «Хиндустан Таймс» газетаси Покистоннинг оппозициядаги танқиди арбоби айтган ана шу сўзларини ўз саҳифасида эълон қилиб.

Қурувчилар ҳиммати

Йил бошидан ҳужалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш методига ўтиб ишлайётган 159-трест бинокорлари айни кунларда гоёт масъуляти ишни бажармоқдалар. Улар шаҳаримизнинг 5-қўйлиқ массивида 1251 ўқувчиға мўлжалланган янги мактаб биноси ва Юнусобод массивининг 3-микрорайонда 640 нафар тарбияланувчилар учун янги типдаги болалар бончалари бунёд этишмоқда. Айни кунларда мазкур биноларда қурилиш-монтаж ишлари жадал суръат билан олиб бориляпти. Бу ишларда трестдаги 9 ва 22-қўйлиқ бошқармаларининг Қ. Пўлдошев, В. Гамер, Г. Пальчинова, С. Дитировлар бошчилигидаги бригадалар бинокорлари зўр гайрат-шижоат намуналарини кўрсатмоқдалар.

МАДРИД, Испания меҳнат биржаларида рўйхатга олинган ишчилар шу йилнинг июнь ойи охирида 2.823.719 кишини ташкил этган, деб хабар берди Меҳнат ва социал таъминот министрлиги. Бу — мамлакат меҳнатга яроқли аҳолисининг 19,4 проценти меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлигини билдиради. Ҳозирги кунда Испанияда ишсизларнинг 25 проценти нафақа олади. «Ортиқча одамлар» армиясининг ярмидан кўпрогини хотин-қизлар ташкил қилади, 25 ёшгача бўлган кишилар ўртасида ҳам ишсизлик юқори даражададир.

Хўжалик ҳисобини пухта ўрганайлик



«Ташлеқтробитрибор» заводнинг моҳир инжувчиси, коммунист, Мазлума Шокирова кўнчилик касбдошлар қатори баракали меҳнат қилиб, сифатли маҳсулот тайёрлашга эришмоқда.
СУРАТДА: Мазлума Шокирова.
Т. Кармови фотоси.

Ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш ва тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган корхоналарда меҳнат коллективлари ўртасида иқтисодий таълим яхши йўлга қўйилган бўлса, иш яхши боради. Аксинча, бу муҳим ишга паўна орасидан қаралаётган корхоналарда ишларни яхшилаш борасида бир қатор қийинчиликларга дуч келинади.

«Сигнал», «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, бир қатор корхоналарда янги хўжалик ҳисобига ўтишдан олдин барча бўлим ва цехларнинг раҳбарлари, мутахассислар ўқуви ташкил этилди. Корхоналарнинг иқтисодий хизмат бўлимлари, ўрта бўлиги раҳбарлари янги шартнома ўзларининг нима иш қилишларини, ўз ўрнинларини аниқ белгилаб олдилар. Ҳатто кадрлар резервининг иқтисодий ўқуви ташкил этилди.

Алмо ҳамма жойда ҳам бунга жиддий эътибор берилди, деб бўлмайди. Бир қатор корхоналарда мутахассислар ва иқтисодий хизмат бўлимларининг ходимлари янги усул билан бун таниш-

ганлар. Кўпгина ходимларнинг малакаси эса ҳозирги юксак талабларга жавоб бера олмайди. Ҳатто шундай корхоналар ҳам борки, иқтисодий хизмат бўлимларида ҳеч қандай иқтисодий маълумотга эга бўлмаган ходимлар ҳам ишлаяпти.

Сўзимиз қуруқ бўлмастлиги учун баъзи мисолларни келтириб ўтмоқчимиз. Яқин-яқингача ҳам агрегат заводида бунга паўна орасидан қараб келингани рад қилиб бўлмайдиган фактдир. Бу заводнинг план-иқтисод бўлимида ишлаётган ходимлардан бор-йўғи уч нафари олий маълумотга эга эканлигиндан корхона маъмурияти ва партия ташкилоти бе-хабар эди, деб ўйлайсизми? Бошқа айрим корхоналарда ҳам шу каби ҳоллар учрайди. «СССР 50 йиллик номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси план-иқтисод бўлимидаги 20 ходимдан 13 нафари, «Среднеазавтоматика» заводига иқтисодий хизмат ходимларининг 11 нафаридан 4 нафаригина олий иқтисодий маълумотга эгадир. Заргарлик заводида ҳам бу

борода аҳвол мақтанарли эмас.

Халқимизда устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўғалар, деган яхши бир нақл бор. Юқорида номи тилга олиб ўтилган корхоналарда «устоз»ларнинг савияси яқин вақтларгача бир ҳолда бўлиб келганлиги тўла хўжалик ҳисобини рисоладагидек жорий этишга салбий таъсир кўрсатадиган, деб ўйлайсизми?

«Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблаг билан таъминлашнинг ўзи нима?» деб ҳалигача ўзи тушунай деб ҳалигача ўзи чала-йиринг аниқлик олдиролмаганларнинг олдидикинлар унда тургани, иқтисодий хизмат ходимлари ҳам йўқ дейсизми? Бармоқ билан санарили бўлса-да бор, албатта.

Юқори малакали иқтисодий кадрларнинг етишмаслиги хўжалик ҳисобини ўрганиш бўлича иқтисодий ўқуви пухта ташкил этишга, унинг маъмурият боийлигида, тўла хўжалик ҳисобининг моҳитини очиб беришга муайян даражада ҳаллоқ бермоқда, унинг моҳитини оддий меҳнатчиларга оммаси онгига синдиришда мушкулликлар туғдиримоқда.

Масалан, бир қатор иқтисодий таълим мактаблари ва семинарларнинг юзаси ишлаётган, иқтисодий ўқув гоҳида қуруқ лекциядан иборат бўлиб қолаётганига нима дейсиз? Ҳаётдан узилиб қолган бундай лекциялар ҳеч қандай аниқ тасаввур беролмайди. Токи у муайян ишлаб чиқаришга бевосита аниқлаштирилмагунча тинловчиларга сингмасдан, қозғода қолаверди. Лав-буёқ заводида, «Среднеазбел» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида, енгил металл конструкторлар заводида иқтисодий ўқув ақин-яқингача ҳам ана шундай аҳволда бўлиб келди.

Корхоналарнинг партия ташкилотлари ҳам бу масалаларни ҳамма ўз диққат марказида тутяпти, деб бўлмайди. Ҳатто текширишларда уларнинг айримларида бу йўналишда умуман иш планлари йўқлиги маълум бўлди.

Тўла хўжалик ҳисобининг муваффақиятини таъминловчи муҳим омилларга эъ-

тибор бермай туриб, бу борада яхши натижага эришишни қийин. Янги давр хўжалик юритишга янгича ёндоқларни талаб этимоқда. Бунинг унутмаслик керак. Эҳтимол, айрим районларда саноат корхоналарини тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлашга ўтказишдаги сустликнинг шу билан изоҳланган бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, илгор корхоналар таърибига синга мурожаат қилиш фойдалан ҳоли бўлмасди.

Масалан, маъмурият ва партия ташкилоти ҳамкорлигида тадбирлар ишлаб чиқилиши, етакчи мутахассислардан иборат ишчи комиссияларни тўзиб, белгиланган тадбирлар бажарилишини назорат қилиб бориш ва бошқа чоралар қўрилиши, чакки бўлмасди. Шунинг унутмаслиги, хўжалик ҳисобини малакали ўрганиб олмагунча, янги шартнома муваффақият қозониб бўлмастлиги корхона раҳбаридан тортиб мутахассис ва жамоат ташкилотлари активлари яхши тушуниб олишлари керак.

Ҳ. ИКРОМОВ.

Янгилиниш йўлидан

Жонажон Ватан бўйлаб

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

© МОСКВА. Москва темир-йўли Шахов станцияси ходимлари келгуси йил Ҳисобига дастлабки тоина юкни жунайдилар. Юк ташвиш жараёнининг интенсификацияси бунга кўп жиҳатдан ёрдам бериши. Бу ерда вагонларга хизмат қилиш технологияси такомиллаштирилди, шериклар билан аниқ ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шу тўғрисида вагонларнинг тўхтаб туриш вақтини уч соат қисқартириш, уларга аниқ кўпроқ юк ортишга муваффақ бўлиниши, бўша қолган составлардан планга қўшимча маҳсулотларни ташвишда фойдаланишмоқда.

© ОРЕНБУРГ. «Прогресс» совхоз, «Радикатор» заводи ва «Востокнефтьстрой» трестининг 3-қурилиш бошқармаси амалий ҳамкорликдан бевосита наф кўрмоқда. Улар ўртасида тузилган уч томонлама шартнома қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзлаштирилишига ёрдам бериши. Завод ва 3-қурилиш бошқармаси ҳозир совхозда 400 бош сизирга мўлжалланган молхона қурмоқда.

© ДЬЯТОВО (Бранск области). Американинг «Американекристалл» фирмаси АҚШга бир миллион сўмликдан кўпроқ биллурдан ясалган идиш етказиб бериш тўғрисида Дьяново биллур заводи билан шартнома тўзд. Хўжалик ҳисобига ўтиб бу корхонага янада кенгрок экспорт алоқаларига ўтиш имконини бериши. Япония, Буюк Британия, ГФРга шундай буюмлар етказиб бериши шартнома тўзд. Ташқи савдо алоқаларининг кенгайтирилиши заводига ўз валюта записларини вужудга келтириш имконини бериши. Бу валюта записларидан ишлаб чиқариш техника билан қайта жиқозлаш учун фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

© ВЕНЕВ (Тула области). Тула областининг Венев районидеги «Россия» совхозининг меҳнатчилари хўжалик маъмуриятининг учта трактор сотиб олдилар. Бу хўжалик обьектида биринчи бўлиб ўз меҳнатчиларига техникани соти бошлади. Трактор тележка ва бошқа зарур асбоблар билан бирга аниқ қиммат — сарфам 7 минг сўм туради, лекин қишлоқ меҳнатчиларининг бу хароқатлар тез қопланишига ишончлики комил.

ТАННАРХИ АРЗОНЛАШДИ

© СТАВРОПОЛЬ. Ставрополликлар учун асосий галлзор ҳисобланган кузги будгозорларда ўрми-йўғим маъмуриятининг Новоалександровск районидеги «Россия» колхозининг бош агрономи, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати М. Соловьев фақат хўжалик ҳисобини қишлоқ хўжалик маъмуриятини етиштиришни сезиларли даражада кўпайтиришга, одамларда мустақиллигини, ерга ўз жайинларга муносабатини тарбиялашга қодир, деб ҳисоблайди. Бир неча йил муқаддам бу ерда ҳайдаланган ҳамма ерлар пудрат шартномалари асосида интенсив меҳнат коллективларига топширилган эди. Натжида дон етиштириш кўпайди, унинг таннархи арзонлашди.

(ТАСС).

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ЭСАДИЛАР

ГЭЛЛАП ИНСТИТУТИ ТАШҚИ ВА ИЧКИ СИЁСАТ ХУСУСИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИҚРИНИ СЎРАБ БИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. Саксония иқтисодий йилларнинг иккинчи ярмида америкаликларнинг АҚШ мудофаси ва ташқи сиёсатига оид масалаларга муносабатда сезиларли ўзгаришлар содир бўлди, бу ўзгаришлар, аввало, ўртача ва кенгрок олислик ракеталари тўғрисида Совет-Америка шартномасининг имзоланиши ва Москвада Михаил Горбачев билан Рональд Рейган ўртасида олий даражадаги учрашув ақуллаи билан изоҳланади. «Бостон Глоб» газетаси ўзи учун ГЭЛЛАП институтини таъйирлаган жамоатчилик фикрини сўраб — билиш маълумотларини эълон қилар экан, шундай хулосага келди.

Савол-жавоб чоғида америкаликларнинг кўпчилиги АҚШ ҳарбий хароқатларини кўпайтиришига қарши чиқди, сўралганларнинг фақат 17 проценти бундай хароқатларни кўпайтириш тарафдори экан.

Сўралганларнинг ярми «Самовий урушлар» программаси, деб маълум бўлган космосни ҳарбийлаштириш режаларига қарши чиқди. Айни вақтда фикри сўралган одамларнинг 38 проценти «Стратегик мудофая ташаббусини» қўллаб-қувватлашини айтиди. Шу муносабат билан «Бостон Глоб» газетаси 1986 йилнинг декабрь ойида «Стратегик мудофая ташаббус» тарафдорлари ва душманларнинг нисбати 52 процент ва 40 процент бўлганлигини эълон қилди.

Савол-жавоб америкаликлар Вашингтон маъмуриятининг Марказий Америкадаги сиёсатига низоҳатда салбий муносабатда бўлаётганини тасдиқлади. Сўралганларнинг 57 проценти АҚШнинг Никарагуа ишларига аралашувини қоралади ва контрастлар ёрдам берилишига қарши чиқди. Уларнинг 27 проценти бу масалада маъмуриятни қўллаб-қувватлади.

Оқ уйнинг ички сиёсати билан боғлиқ саволларга жавоб беришар экан, кўпчилик америкаликлар социал ахтиёжларга бюджетдан маблағ ажратилиши керак қўпайтириш лозимлигини айтиди. Фикри сўралганларнинг 67 проценти медицина хизмати учун қўшимча маблағ ажратилиши зарур, деб ҳисобламоқда. Уларнинг 66 проценти маориф учун маблағлар кўпайтирилиши зарурлигини айтиди, 48 проценти эса қишлоқлар ва оларга ёрдам программасини аниқ кенгайтириш лозимлигини таъкидлади.

Фойда манбаи

153-қурилиш трестини бинорлар йил бошидан бунинг шохриниш қурилиш майдонларида 23,8 минг квадрат метр уй-жойини ишга туширдилар. Бунинг эвазига юзлаб ёш оилалар, меҳнат коллективларининг новатор ишчилари, хизматчилар турар жой шартноларини яхшилаб, янги уйлар, да ҳовли ўйларини нишонладилар. Қурилиш ташкилотиде илгор иш усулларини жорий этишга алоҳида аҳамият берилганлиги тўғрисида ана шундай нурсатинчиларга эришилмоқда. Бинорлар мавжуд резервлардан оқилона фойдаланиш эвазига ўз ютуқларини мустаҳкамлаб бори-

шайпти. Бу эса шубҳа йўқини, ишга тушириладиган объектларда сифатли талаб даража, сизга кўтарши имонини берираптир.

— Янгилиниш даврининг илик сабоқлари бизга меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни ўргатди, — дейди трест бошқарувчиси Шавкат Наби, ов. — Авваллари аҳамият бермаган нарсаларимизнинг қанчалик фойдаланишнинг билиб олинди. Қурилиш материалларидан тежаб, тергаб фойдаланиш ҳамма бригадаларда ҳам бирдек йўлга қўйилмаганди. Бу зарур маҳсулотлардан қўшимча фойдаланиш ҳалигача давом этиб кели-

ларди. Трестимизда шу йилнинг бошидан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтиндию, тежамкорлик ҳаракати аниқлашари бошланди. Ҳар бир қурилиш материалга ўз жойида тежаб, тергаб ишлатилганидан бўлди. Бу эса бизнинг Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига қабул қилган социалистик маъбуриятининг дағи муҳим шартин тўлиқ бажаришимизга яхши йўл очди. Бу муҳим санами тежамкорликда муҳим ютуқларга эришиш билан нишонламоқчи эдик. Сўздаги далиллик ишга кўчиди. Утган олди ой ичиде 10 тонна металл иқтисод қилинди. 20 тонна цемент, 30

куб метр ёғоч тежаб қилинди. Электр энергия ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш натижасида объектлардаги иш суръати бир мунча жалдлашди. 410 киловатт-соат электр энергия ва 2,9 тонна ёнгилиниш тежади. Тежамкорликдан олинган иқтисодий сарфам чинакам фойда манбаи бўлди.

Трест бунёдкорлари эришилган ютуқлар билан чегараланмай, хўжалик ҳисоби шарио, тида дадил ишламоқдалар. Тулланаётган бой таъриблар мунданган мақсадларни юзага чиқаришга хизмат этимоқда.

Б. АЛИҚУЛОВ.

РЕЗОЛЮЦИЯ

ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

ТОКИО. Канагава префектура мажлиси қабул қилган резолюциясида Япония ҳукумати Вашингтондан Япониянинг «Ноядровий принциплари» ҳурмат қилинишини талаб этишга даъват қилинади. Америка қўмондонлиги АҚШ ҳарбийденгиз кучларининг Узоқ Шарқдаги энг катта Нокосука базасида шу йилнинг октиригача «Томагавк» қанотли ракеталари билан қуролланган иккита Америка кемаси — «Банкер хилл» крейсери ва «Файф» эсминеци жойлаштирилишини эълон қилганлиги ана шундай резолюция қабул қилинишига сабаб бўлди. Бу ракета-лар оддий каллақларни ҳам, шунингдек ядровий каллақларни ҳам элтириши қодирдир, бироқ АҚШ ўз ҳарбий денгиз кучлари кемаларида ядро қуролли борлигини айтишдан аър бериб бош тормоқда. Америка томонининг бундай позицияси Япония эълон қилган ядро қуролига эга бўлмастлик, уни мамлакатда олиб кирмаслик ва ишлаб чиқармаслик принципларини — «Ноядровий принципларини» тўғридан-тўғри менсимаслигини, дейилади резолюцияда. Канагава префектура мажлиси резолюция қабул қилди. АҚШ ракета ташуви кемаларини Япония портларида жойлаштиришга йўл қўйиб бўлмастлиги таъкидланди.

БОШҚАЛАРНИНГ МАНОФААТЛАРИНИ УНУТМАСЛИК КЕРАК

Бир неча яшанбадан бунинг шаҳар марказида транспорт ҳаракати бўзилмоқда, магистраллар ёнб қўйилган, одамлар аниқлашган дам олиш жойларида ҳордиқ чиқариш иложини қилолмайлдилар. Бунинг сабаби битта — бир гуруҳ крим-татарлар давлат комиссиясининг қарорига норозилик билдириб, тўхтовсиз чиқишлар қиломоқдалар.

Маълумки, Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети бир гуруҳа шахсларнинг Халқлар дўстлиги майдонида митинг ўтказиш тўғрисида маълум қилиб билдирган талабини рад этиди, ташаббускор гуруҳа ақиллари Ф. Аблямитов, Р. Жемитов, Э. Фозиловларни огоҳлантириб, жамоат тартибини, шаҳар ва унинг аҳолиси осойишталиги ва нормал турмушини бузишга, маънавий ва моддий зарар етказишга олиб келувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олди кесилин равишида олинмади ва бундай оқибатлар учун жавобгарлик ташкилотчилар ва ташаббускор гуруҳаларнинг ақиллари зиммасига қўйилди, деб ўқитди.

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети шунингдек, крим-татар миллатларини мансуб барча граждандарни жамоат тартиб ва осойишталигини сақлашга, бузуқчиликларнинг найранглирига аъмаллик, вужудга келадиган масалаларни фақат демократия доирасида, босқинлик ва осойишталик билан ҳал этишга чакирди.

Бу қарор кўпгина меҳнат коллективларида, Тошкент аҳолисининг мурожаатномаларида кўллаб-қувватланди. Бу мурожаатномаларда шаҳар аҳолиси Тошкент шаҳар ижроия комитетидан шаҳарда тартиб ўрнатишни талаб қилди.

10 июль кунини митинг бўлди. Бироқ Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қарорига хилоф равишда Халқлар дўстлиги майдонида ва хиёбонда крим-татар миллатларига мансуб айрим шахслар тўплана бошладилар. Уларнинг баъзилари жамоат тартибини сақлаш талабларига риоя қилмадилар. Янгилиларнинг бир қисми районлар ички ишлар бўлимларига келтирилди, 27 йили билан сўхбат ўтказилди. 11 июшда нисбатан расмий огоҳлантириш қилинди, 14 кунини жарима солинди, С. Султонов эса майда безорилиги учун Чилонзор район халқ суди томонидан 10 кунга қамалмоқда қўйилди.

Сўат 13 да Киров районида жойлашган асбобозлик

ни кескин қоралайман. Бизнинг дўстлигимизни бузиш керак эмас...

— Биз тинчлик ва дўстликда яшашга одатланганмиз, — деб таъкидлади В. Ю. Писарева Ҳамза район уй-жой-коммунал бошқармаси коллективининг Янгилишида. — Лекин ўзи ишламай, бунинг устига бошқаларга халақит бераётган, шаҳарда норомал вазият вужудга келтираётган айримларини нима қилса бўлади?..

Тошкент шаҳар ижроия комитетига мурожаат қилаётганларнинг ҳаммаси бошқаларга нормал яшаш ва меҳнат қилишга халақит бераётган шахсларнинг маъмуриятсиз хатти-ҳаракатини қораламоқдалар. Шунинг унутмаслики керакики, Тошкентда 2,3 миллионга яқин аҳоли бор, уларнинг ҳар бири дам олиш, хотиржам ишлаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқни эса ҳурмат қилмаслик мумкин эмас.

Бу ерда крим-татар миллатига мансуб айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатига уммаётган кўпгина корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнатчилари босқинлиги ва ўзини осойишта тутаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Яхшича кунлари ўзининг шахсий вақти, режалари, оилаларига зарар келтириб бўлса ҳам шаҳарнинг ҳамма районларида тартибини сақлаш учун миллиончи ҳодимларига ёрдам бераётган қўнғилил халқ дружиналарининг аъзоларига ҳам тан бериш керак.

Лекин айрим шахсларнинг ўзини тутишини маъмуриятсизликдан бошқача баҳолаш мумкин эмас.

Кейинги вақтда крим-татар вакилларининг Янгилишларида «забастовкага даъват этишни овозлар оштилмоқда. Мен бу сўзини бир неча бор ишлатиб, ҳар сафар тирноқ ичига оламан. Нима учун? Чунки меҳнат ишчи-донимини» бўлаётган ва ўз даъватлари билан бошқаларнинг ишлашга халақит бераётган айрим шахсларнинг ишга чиқмаслигини забастовка деб ҳисоблаш мумкин эмас.

6 июль кунини асбобозлик заводида Янгилиш бўлиб ўтди. Бу Янгилишда ўз ички жойини ташлаб бутун коллективни қийин аҳволда қолдирган шахсларнинг хатти-ҳаракати қораланди. Афсуслар, улар орасида коммунистлар Ш. Алиев, С. Муқаддобов, Р. Хайруддинов, А. Сариевлар бор эди.

Сўзга чиққан А. С. Ходарев таъкидлаганидек, бу хо-

КОНФЕРЕНЦИЯ ЯҚУНЛАНДИ

ПАРИЖ. Страсбургда давом этаётган сессияда Европа парламенти депутатлари пайишанба кунин қабул қилган резолюцияда Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари Форс қўрғазидеги ҳарбий хароқатларини тўхта-тишга ва региондан «Барча чет эл қарбоний кемалари тезроқ олиб чиқиб кетили-

шини таъминлашга» қаратилган чораларни қўришга даъват этилди. Парламент аъзолари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эрон билан Ироқ ўртасида ўт оқини тўхтатиш тўғрисидаги 598-резолюциясини бажаришни ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг региондаги кескинлигини кучайтиришга олиб келиши мумкин бўлган хароқатлар-

ни қилмасликка даъват этишни моддаларига риоя этишни ҳам талаб қилдилар. Европа парламентининг резолюциясида Америка крейсери уриб туширган Эрон граждандар самолёти фожияси тафсилотларини Халқаро граждандар авиацияси ташкилотининг мустақил равишда текшириши ҳам талаб қилинди.

«Калейдоскоп»

ТОКИО ПЕЙЖАДАМЛИК ҚИЛАЯПТИ

Япония пойтахти бу билан мағрурлини бўлма-мас ҳам «Яҳондаги тир-риқчилик энг қиймат шад-ди» номини ҳамон ҳеч қандай бермай келаяпти. Женевада жойлашган ва саёхатчи қорчалоларга фойдалан мақсадларга беришга иҳтисосланган халқаро «Бизнес интер-

нешнл» ташкилоти ўтказган тадқиқотлар ана бир бор бунин тасдиқлади. Ана шу ташкилот мутахассислари ишлаб чиққан индикс озиқ-овқат, кийим-кечак, турли хизматлар ва ҳоказоларнинг нархини ҳисобга олади. Уй-жой ҳақи бундан мустасно. Натжида мутахассислар планетамизнинг тирриқчилик энг қиймат шаҳарларини рўйхатида Токио пейжадамлик қилаётганини, иккинчи ўринни Япониянинг аха-

Тошкент оқшоми • 2-бет.

Г. С. СВЕТЛАНОВ.

«Бизнес интер-нешнл» ташкилоти ўтказган тадқиқотлар ана бир бор бунин тасдиқлади. Ана шу ташкилот мутахассислари ишлаб чиққан индикс озиқ-овқат, кийим-кечак, турли хизматлар ва ҳоказоларнинг нархини ҳисобга олади. Уй-жой ҳақи бундан мустасно. Натжида мутахассислар планетамизнинг тирриқчилик энг қиймат шаҳарларини рўйхатида Токио пейжадамлик қилаётганини, иккинчи ўринни Япониянинг аха-



Шахримизда эволюция бир музей бор. Унда заргарликка оид қадимий буюмлар, ноёб осори атқилар ўрни олган. Музейга кирган киши халқимизнинг умрбоқий санъати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ... РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Космос» да... касб ўрганамиз

«ТАШКУЛЬТОРГ»нинг «КОСМОС» МАКТАБ-МАГАЗИНИ қизилари кичик сотувчи ларни тайёрлайдиган 6 ойлик курсларга тақлим қилади.

КАБУЛ ШАРТЛАРИ: курсларга 17-25 ёшдаги, 10-синф маълумотига эга бўлган қизлар қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари йўқ. Уқувчиларга ҳар ойда 63 сўмгача стипендия берилади. Ўқини тугатганидан сўнг уларга кичик сотувчи ихтисослиги берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТУЛИШИГА ҚАРАБ ВОШЛАНАДИ. Курсларга киришни хоҳловчилар куйидаги адресга мурожаат қилишлари керак: Халқлар дўстлиги проспекти, 2-уй, «Космос» магазини (метронинг «Хамза» станцияси). Телефон: 45-06-70, Халқлар дўстлиги проспектидаги 9-уйда жойлашган «Ташкульторг» идорасига мурожаат этса ҳам бўлади. Телефон: 77-36-89.

«ТАШКУЛЬТОРГ».



Бир йўла харид қилай десангиз



Кундалик эҳтиёж бўлган, рўзғорда зарур товарларни бир йўла харид қилай десангиз «СЕРГЕЛИ» УНИВЕРСАМИГА ТАШРИФ БУЮРИНГ. Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари бўлими билан бирга санъат товарлари бўлими ҳам бор.

БУЮРТМАЛАР САЛОНИ ХИЗМАТИНИГИЗГА МУНТАЗИР

Бу ерда савдода мавжуд бўлган товарларга буюртмалар қабул қилинади, илтимосингизга биноан товарлар уйингизга элтиб берилади, сова термалари тайёрланиши мумкин.

Магазин ходимлари аҳолига кўрсатаётган яна бир хизмат турини эслатамиз.

Бўш пиша идишларни топириш маълум ноқулайликлар билан боғлиқ эканлиги ҳаммага маълум. Махсус машина сизга ана шу ташвишдан қутқариши мумкин. Ана шу машина ҳафтанинг маълум кунлари массив территориясини айланиб, уйма-уй юриб, бўш пиша идишларни йиғади.

Магазиннинг адреси: «Сергели-2» массиви. Транспорт: 40, 75, 58, 98, 99-автобуслар, 19-троллейбуснинг «Савдо маркази» бекати.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

Ленин райони аҳолисига қулайлик

ЛЕНИН РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМИНИНГ МАГАЗИНЛАРИ АҲОЛИГА ТОВАРЛАРНИ УЙГА ЭЛТИБ БЕРИШ ВА УЙМА-УЙ ЮРИБ БЎШ ПИША ИДИШЛАРНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН ПУЛЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

МАХСУЛОТЛАРГА (ассортиментда мавжуд товарлардан келиб чиқиб) **БУЮРТМАЛАРНИ**

ПИША ИДИШЛАРНИ ТОПИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРНИНГ КАБУЛ ПУНКТЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИШ ЛОЗИМ:

16-магазин — Фоменко кўчаси, 64, телефон 91-10-03;

8-магазин — Қўйлиқ-4 массиви, 48-уй; Телефон 90-37-03;

3-магазин — Будённый кўчаси, 10 а. Бундан ташқари районда магазинлар ҳузуридида турғун пиша идишлар қабул қилиш пунктлари мавжуд.

2-магазин — Вокзаллоди майдони;

5-магазин — Қўйлиқ-4 массиви, 14-уй;

8-магазин — Қўйлиқ-4 массиви, 48-уй;

10-магазин — Қорасув массивидаги бозор;

14-магазин — Новий путь кўчаси (Рисовий бозори);

20-магазин — Қўйлиқ-3 массиви, 16-уй;

22-магазин — Мунис кўчаси, 1.

25-магазин — Куйбишев шоссеси, «Почта» бекати;

26-магазин — Саперная кўчаси, 81;

28-магазин — Т. Шевченко кўчаси, 8 («Ук-раина» магазини).

30-магазин — Сарикўл кўчаси;

31-магазин — Куйбишев шоссеси, 844;

49-магазин — Стародубцев кўчаси, 305.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«Союзторгпреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.



Уфатларидан бирини хизмат машинасида қуриб, ҳурмат юзасидан ўйиниб кўришим.

— Янгишмасам, тоғанг озуқа базасида, холинг қишлоқ хўжалиқ институтида ишлайди! — сўрадим ундан.

— Мулкага тўри!

— Узинг ҳам паст эмасдирсан!

— Ерданчи хўжалиқда директорман.

— Мейнавзчилигини йиғитир. Менга ишга ўтасан зоотехник бўлиб, бошқаси банд.

— Зоотехник кавалак тутиб, қозога гербарий қилади.

— Йўқ, қорачилик билан шуғулланади.

— Тушуларни, димлама, ажаб-санда, биқини гўштидан қайнатма...

— Маҳмаданалик қилгунча ишга кириш. Мана, ем-хашак наряди. Эплаб олиб келсанг имтиҳондан ўтдинг ҳисоб.

«Зарурият даҳони яратадим. Ажаб ҳикмат. Қариндош-уруғлар омон бўлсин, ишини қойиллатиб, жарақлатиб маош олаяман.

Хафта ўтмай улфатим, кечирасиз, ерданчи хўжалиқнинг

бошлиғи мени ҳузурга чақирди.

— Хўжалик билан танишиб кўришим!

— Ҳа, илмий равишда ўргандим ва ҳозир кандидатлик диссертациясини ёзмоқчиман. Шунинг

бўлишидан кейин қимматли маслаҳат бериш керак.

— Ҳа, Ҳўжорини болаб кетибди, дони кўримайди, озуқа бериш керак.

Абдумўмин ака айбдордек бўйин эгди. Бош агроном жў-

кажўхори ҳақида бошлиққа айтмасангиз.

— Хафа бўлмаг, энди ўзимиз...

— Албатта буйруқни бажарамиз, лекин кўргангиз жўхори эмас, супурги.

лаб олди-да директор билан менга қараб деди:

— Қани, қовоқ сомсага марҳамат, минг дардга даво.

Олим баланд қаватли бино томон йўқиллаб кетди.

Машина сал юрғач, ҳа-ҳо-лаб кулиб юбордим. Олдинда ўтирган бошлиқ менга ҳайрон бўлиб қаради. Воқеани эшитгач, бир хўмайиб:

— Раҳбар ходимнинг обрўсини туширадиган гап қилма. Ҳеч нарса бўлмагандек бориш керак. Бош агрономнинг ҳисоб-ботларисиз ишмизини тепада ноботга олишмайди.

Нафасим ичимга тушиб кетди. Ҳақиқатан ҳам олимнинг истеъдодисиз хўжалиқда иш юришмайди. Менинг истеъдодим ўзингизга маълум.

Узимча, «Яхшиям Абдумўмин ака истеъдодли эмас, бўлмаса нима бизга молқовоқ билан ошқовоқнинг фарқини айтиб берардим» деб ўйлаб қўяман.

Акбар ЮНУСОВ.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

Қ О В О Қ

(Ҳажвия)

учун туну кун қозоқ билан олишиб ётибман.

— Агроном ҳам менга ўхшаш ўткир мутахассисми!

— Олим. Ҳисоботларини шунақа ёздингки, қўқордагилардан дом ахши баҳо олади. Билим бор-да, фан кендидати.

Бош агроном салобатли киши экан. Ҳисоботларини қўқордагилардан дом ахши баҳо олади. Аста-секин экан майдонини айланиб юрибмиз. Орқода бригадир Абдумўмин ака қўл қовуштириб, эргашиб юрибди. Бошлиқ

хорига қараб кўзи очилиб кетди. Ҳўжорини орасида нақ бир пуд келадиган қовоқ «мана-мана» деб турди.

— Қовоқни узиб, хонамга олиб бориш. — Бош агроном буйруқ берди.

Тафтишни тугатгач, хонага қайтдик. Зум ўтмай Абдумўмин ака қовоқни столга қўйиб, пешонасидаги маржондек тизилб турган терларни артди.

— Кечирасиз, домла хоналарда йўқ эканлар, қовоқ сизнинг хонангизда турса майлими!

— Майли.

— Раҳмат, иложи бўлса мак-

—Ия, бизни уйдаги супургининг бўйин бир қаричдан ошмайди, сизники аса...

—Ҳа-ҳа, бақарамиз. Домла қовоқни нима қилар эканлар!

— Сомса, йўқ, текширади, олим одам. Илим уну.

— Узинг ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Бу молқовоқ, еб бўлмайди.

— Кечирасиз, бош агроном қалай, тажрибали мутахассисми!

— Катта олим, обрўли, халқин тиколли дарҳат бўйича.

— Кечурун бош агроном машинадан тушиб қовоқни қучоқ-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ... РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ичкиликбозлик—иллат

Кўчма «зиёфат»

Бўш вақтини қандай ўтказиш ҳар кимнинг диди, қизиқиши, табиғатига боғлиқ. 19-дорихона ходимаси Елизавета Бизева ишдан кейин қўл қовуштириб ўтирадиган ёки сариқ чақалик фойдаси бўлмаган машғулот билан банд бўладиган анойилардан эмас. У кун бўйи дори-дармонлар орасида оқ халатга бурнаниб юриди. Уйга келгач, бошқача «маҳкам» тайёрланган енг шимари киришди. Куйбишев район ички ишлар бўлими участка инспекторлари жамоатчилиги ишгирониди унинг квартирасига ташриф буюрганларида, хонадон соҳибаси хиёл довдираб қолди. Айниқса, шифонерга яшириб қўйилган самогон ачитқисни топилиб сири фой бўлганда тили дол бўлиб қолди.

Ўзининг туғилган кунини тайёрлаётганим, — деди у зўра.

Таваллудини иллонлашга аталган хонадон аранинг 13 литр ачитқисини учун Елизавета Бизевага 100 сўм жарима тўлашга тўғри келди.

1-темир йўл клиник касалхонаси ходимаси Елена /Гишаева эса қаравот остини самогон ачитқисини асраш учун ишончли жой деб ўйлаган. Ленин ниятига етолмади, қозонда захарли шербатга айланиш арасида турган 10 литрга ачитқидан маҳрум бўлди.

Район территориясида ичкиликбозлик ва самогон тайёрлаш билан муросасиз қураш олиб боришда кўплаб қўнғилли халқ дўрунчалари актив ишгирон этишмоқда. Айниқса, бу борада «Ўзбекхлопокоман» бирлашмасининг қўнғилли халқ дружинаси (командири Р. Байрамов) фаолияти иллатлидир. Милциянинг ишончли ерданчилари бирлашма 7-цехида ташкил этилган кўчма «зиёфат» устидан чиқиб қолди. 2-цехнинг рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳ оператори М. Гафин дўстларга садоқат рамзи сифатида самогон тайёрлабди. Уйда тайёрланган қўлбола арақ билан мўлаҳишга индиқ томоқни ҳўлашдан аввал кўз ўнгига ичкилик дардида фаромуш ўтирган ҳамтовоқлари келибди.

Цехдаги ўтириш ижодкори М. Гафиннинг уйламай қўйган қадами оила ҳаменига 30 сўм зиён етказди. Бирлашма территориясига олиб келган самогоннинг таъми нақадар аччиқлигини ҳис қилиш учун унга шунча микдорда жарима солинди.

9-цех слесарь-сантехники Виталий Иванов ҳам иш жойида бир литр самогон билан қўлга тушди. Ажаб эмас, ноқўя қилмиши оқибатида 100 сўмдан акралиш қўйлаган арақ тайёрлаш зарари ҳақида тез-тез эслатиб турса.

Ҳ. БОЛТАБОВЕВ,

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси мабуот гуруҳида катта инструктори, милиция қатнаши.



ҲАЙРАТ

— Штирлатма жимги бироз, қилайлик бир томоша.

— Ававал қилсин бирров парвоз қиру, адирлар оша.

— Турғайми у!

— Йўқ, бедана, Балки ажиб жонзотдир

Истагани бил яхшилиқ, Тилагани қанотдир.

— Учавергин, яйрайвергин Утлар аро жонивор.

Табнатдан завқланшининг, Билсанг ажиб гашти бор.

Н. Суриков фотозюди.

Бу—қизиқ

Ҳаммасига шовқин сабабчи

Тезкор ХХ асрнинг доимий йўлдоши —шовқиннинг емирувчи таъсири оқибатлари врач ва психиатрлар эштиборини тез-тез ўзига жалб этмоқда. Масалан Лос-Анжелесда истиқомат қилувчи америкалик олим Гриффит кўп йиллик тадқиқотлари натижаларига асосланиб, шовқин қарийб ҳар уч холдан биринда йирик шаҳарлар аҳолисининг барвақт қаршига олиб келувчи асосий сабаблардан биридир, деб таъкидлейди. Ҳақдан ортиқча децибеллар шаҳарликлар умрини ўрта ҳисобда ун йилга қисқартирар экан. Агар бундан кейин ҳам ишлар шундай давом этверса, «нодир» сунунингинг далолати хусусиятларидан фойдаланиш ҳақида жиддий бош қотиришга тўғри келади, аммо бу олтиндан ҳам қимматга тушми мумкин, деб қўшмача қилади америкалик олим.

Қондалар ҳамма учун баравар

Автомобиль йўлларида ҳафсизлик муаммолари муҳокамга этилган ҳалқаро конгрессда гаройиб бир янгилик пайдо бўлди. Навбатдаги конгресс қатнашчиси ўз докладини ўқишга киришган захоти махсус светофорнинг кўк чирроғи ёниб, унинг нуқти бошланганлигидан далолат берадир. Белгиленган регламент тугаб бораётган бўлса, бу ҳақда светофорнинг қизил чирроғи ёниб докладчинини огоҳлантирадир. «Қондалар ҳамма учун баравар. Уларга кўча-кўйда ҳам, мажлисларда ҳам албатта риоя қилиш керак!»—конгресс ташкилотчиларининг фикри ана шундай.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ... РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР